

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади.

Н.Парпиев судга ариза билан мурожаат қилиб, 1991 йилдан низоли уйда Х.Усмонова билан никоҳдан ўтмасдан яшаб келганлигини, турмушидан фарзанди бўлмаганлигини, Х.Усманованинг вафотига қадар умумий рўзғор юритганликларини, биргаликдаги турмушлари давомида низоли уй-жойни таъмирлаганлигини, лекин уй 1961 йилдаги олди-сотди шартномасига асосан Ш.Миннулинга тегишли эканлигини, ундан Х.Усманованинг марҳум турмуш ўртоғи 1969 йилда сотиб олганлигини, 1991 йилдан эътиборан, яъни 15 йилдан ортиқ вақт давомида шу уй-жойда доимий истиқомат қилиб келаётганлигини кўрсатиб, низоли уйга нисбатан ўзининг мулк ҳуқуқини эътироф этишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2007 йил 3 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, Н.Парпиевнинг талаби қаноатлантирилиб, низоли уйга нисбатан унинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2008 йил 11 январдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс томонидан берилганлиги асос сифатида кўрсатилиб, ариза кўрмасдан қолдирилган.

Аниқланишича, низоли уй шахар ижроия қўмитасининг 1960 йилдаги қарорига кўра марҳум Х.Юлдашевга тегишли бўлган. 1961 йил 10 февралдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан ушбу уйни марҳум Ш.Миннулин сотиб олган.

1969 йил 11 сентябрда А.Усмонов низоли уйни Ш.Миннулиндан сотиб олиб, турмуш ўртоғи Х.Усмонова билан бирга яшаб келган. А.Усмонов 1990 йил 8 мартда вафот этган. Унинг вафотидан сўнг 1992 йилдан Х.Усмонова

низолги уйда Н.Парпиев билан эр-хотин сифатида яшаб келган. Х.Усмонова 2002 йил 25 июнда вафот этган.

Кассация инстанцияси суд қарорини бекор қилишда биринчи инстанция суди Фуқаролик кодексининг 187-моддаси 4-қисми талабини нотўғри қўллаб, Н.Парпиевнинг марҳум Х.Усмонованинг вориси эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса-да, унинг даъвосини қаноатлантириб хатога йўл қўйган деган хулосага келган.

Ваҳоланки, биринчи инстанция суди Фуқаролик кодексининг 187-моддаси 4-қисмига асосланмаган, балки ушбу модданинг 1 ва 3-қисмларини қўллаб, Н.Парпиевнинг низолги уйда 1993 йил 14 декабрдан доимий рўйхатда турганлиги ва 15 йилдан ортиқ вақт давомида яшаб келаётганлигини инобатга олган. Шунингдек, кассация инстанцияси амалдаги процессуал ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаб, Н.Парпиевнинг аризасини Фуқаролик процессуал кодексининг 97-моддасини 2-бандига асосан кўрмасдан қолдиришда ариза фақат уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса ёки тегишли ишончномасиз ариза топширилган бўлсагина кўрмасдан қолдириш мумкинлигига эътибор қаратмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 17 майдаги ажрими билан Олий суд раисининг ўринбосари томонидан келтирилган протест қаноатлантирилган, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгида кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

ФСХ-211-10-сонли ажрим